



Коммунал Хизматлар Соҳасини Ривожлантириш Ва Унинг Иқтисодий Самарадорлигини Ошириш Йўналишлари

Обид Мамаюнович Пардаев

УзРес Вазирлар Махкамаси хузуридаги Энергия самарадорлиги миллий агентлиги
директорининг 1-уринбосари, СамИСИ мустақил тадқиқотчиси, PhD

Аннотация. Мазкур илмий мақолада коммунал хизматлар соҳасининг иқтисодий моҳияти, унинг аҳоли фаровонлигини таъминлашдаги ўрни ҳамда хизматлар самарадорлигини ошириш масалалари тадқиқ этилган. Шунингдек, коммунал хизматлар соҳасида тариф сиёсати, бошқарув механизмлари, рақамлаштириш жараёнлари ва халқаро тажрибанинг аҳамияти таҳлил қилинган. Тадқиқот натижасида коммунал хизматлар сифатини яхшилаш ва соҳани барқарор ривожлантириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: коммунал хизматлар, тариф сиёсати, самарадорлик, рақамлаштириш, аҳоли фаровонлиги, инфратузилма.

Направления Развития Сферы Коммунальных Услуг И Повышения Её Экономической Эффективности

Аннотация. В данной научной статье исследуются экономическая сущность сферы коммунальных услуг, её роль в обеспечении благосостояния населения, а также вопросы повышения эффективности услуг. Кроме того, проанализированы тарифная политика, механизмы управления, процессы цифровизации и значение международного опыта в сфере коммунальных услуг. В результате исследования разработаны практические предложения по улучшению качества коммунальных услуг и устойчивому развитию данной сферы.

Ключевые слова: коммунальные услуги, тарифная политика, эффективность, цифровизация, благосостояние населения, инфраструктура.

Directions For The Development Of The Public Utilities Sector And Increasing Its Economic Efficiency

Abstract. This scientific article examines the economic essence of the public utilities sector, its role in ensuring the welfare of the population, and issues related to improving service efficiency. In addition, the tariff policy, management mechanisms, digitalization processes, and the importance of international experience in the public utilities sector are analyzed. As a result of the study, practical recommendations have been developed to improve the quality of public utilities and ensure the sustainable development of the sector.



Keywords: public utilities, tariff policy, efficiency, digitalization, population welfare, infrastructure.

Кириш. Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги кунда коммунал хизматлар соҳаси мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини молиявий тартибга солиш бошқармаси томонидан мунтазам равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати қарорлари, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги дастурлар ижроси ҳамда коммунал хўжалиги корхоналарининг молиявий ҳолатлари, уларнинг дебитор-кредитор қарздорликлари тўғрисида аналитик, таҳлилий ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Ичимлик суви, электр энергияси, газ, иссиқлик ва канализация хизматларининг барқарор ва сифатли кўрсатилиши аҳоли турмуш даражаси ҳамда иқтисодий барқарорликка бевосита таъсир кўрсатади.

Мазкур масаланинг аҳамиятидан келиб чиқиб, коммунал хизматлар соҳасига мамлакатимизда алоҳида аҳамият берилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маъмурий ислоҳотлар доирасида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2023 йил 28 августдаги ПФ-151-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 апрелдаги «Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат назоратини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-66-сонли Фармони қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 2024 йил 17 апрелдаги 214-сонли қарори ҳам эълон қилинди. Мазкур соҳа изчиллик билан тизимли равишда такомиллаштирилмоқда. Шу боис коммунал хизматлар соҳасини илмий асосда таҳлил қилиш ва такомиллаштириш масаласи бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Тадқиқот методологияси. Илмий мақолани тайёрлаш жараёнида маълумотларни гуруҳлаш, анализ ва синтез, тизимли таҳлил, таққослаш, макон ва замон, шакл ва мазмун ҳамда эксперт баҳолаш усулларида унумли фойдаланилди. Улардан ташқари, монографик кузатув ва унинг натижалари ҳам ўрганилган.

Таҳлил ва натижалар. Коммунал хизматлар соҳасини ривожлантириш ва унинг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг бугунги кундаги долзарблигидан келиб чиқиб, бунинг асосий йўналишларига эътиборни қаратишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Чунки мазкур соҳа аҳолининг яшаш сифатини таъминлаш билан бирга камбағалликни қисқартиришга ҳам хизмат қилади. Булар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, коммунал хизматлар назарияси ва иқтисодий моҳиятини очиб беришда илмий ишлар асосан қуйидаги масалаларга бағишланиши мақсадга мувофиқ. Бунга коммунал хизматларнинг иқтисодий мазмуни, ҳозирги замон нуқтаи назаридан очиб берилиши лозим. Бунда жамоат хизматлари тизимида коммунал хизматларнинг ўрнини аниқ белгилашга тўғри келади. Шунингдек, коммунал хизматларнинг бозор ва нобозор хусусиятларига ҳам эътиборни қаратиш лозим бўлади. Ушбу вазифаларни бажариш учун коммунал хизматларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятига, коммунал хизматлар бозорини давлат томонидан тартибга солиш масалаларига, коммунал хизматларда жамоат манфаатлари ва хусусий сектор нуқтаи назаридан тадқиқ қилишга аҳамият бериш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Коммунал хизматлар соҳасининг иқтисодий моҳияти ушбу хизматларнинг нимага қаратилганлиги билан ифодаланади. Одатда коммунал хизматларнинг бевосита



аҳолининг ҳаётӣ эҳтиёжларини қондиришга қаратилган жамоат хизматлари мажмуи ҳисобланиши, унинг иқтисодий моҳиятини ифодалайди. Ушбу хизматлар қуйидаги хусусиятларга эга. Жумладан, ижтимоий аҳамиятлилик, узлуксиз хизмат кўрсатиш зарурати, буларнинг давлат томонидан тартибга солиниши кабиларни келтириш мумкин. Ҳозирги шароитда муҳим жиҳатлардан бири, коммунал хизматлар бозорида рақобат чекланган бўлиб, табиий монополиялар устунлик қилади. Шу сабабли тарифларни шакллантириш ва хизмат сифатини назорат қилишда давлатнинг роли катта. Чунки, ушбу хизматлар хусусий сектор томонидан кўрсатилиши биров мураккаб.

Иккинчидан, коммунал хизматлар самарадорлигини ошириш омилларини тадқиқ қилиш ҳам муҳим йўналишлардан биридир. Коммунал хизматлар самарадорлиги оширишга таъсир этувчи омилларга қуйидагиларни келтириш мумкин. Биринчи гада тариф сиёсатининг иқтисодий асосланганлиги бўлса, на бири инфратузилманинг техник ҳолати ҳам катта таъсир қилади. Шунингдек, ресурслардан тежамли фойдаланиш билан бирга, бошқарув тизимининг самарадорлигини таъминлаш билан ҳам белгиланади. Қайд этиш жоизки, самарадорликни баҳолашда KPI ва SMART кўрсаткичларидан фойдаланиш коммунал корхоналар фаолиятини очик ва шаффоф қилишга хизмат қилади.

Учинчидан, коммунал хизматларда рақамлаштириш жараёнлари ҳам бугунги кунда муҳим йўналиш ҳисобланади. Сўнгги йилларда коммунал хизматлар соҳасида рақамлаштириш жараёнлари жадал суръатларда ривожланмоқда. Хусусан, ушбу соҳага электрон тўлов тизимлари жорий қилинди, “ақлли ҳисоблагичлар”дан фойдаланишлар йўлга қўйилмоқда, онлайн мониторинг ва назорат платформалари жорий этилмоқда. Тажрибадан кўриниб турибдики, соҳани рақамлаштиришга, хизматлар сифатини оширишга, йўқотишларни камайтиришга ва аҳоли билан ўзаро муносабатларни яхшилашга хизмат қилиши имкониятларини яратади.

Коммунал хизматларда рақамлаштириш ва мазкур соҳада инновациялардан фойдаланиш учун замонавий илмий ишларни олиб боришни ҳам тақозо қилади. Буларга “ақлли ҳисоблагичлар”, электрон тўлов тизимларини жорий қилиш, рақамли мониторингга бағишланган ишларни киритиш мумкин. Буларга эришиш учун коммунал хизматлар соҳасида рақамли иқтисодиёт механизмларини жорий қилиш, SMART коммунал хизматлар тизимини жорий этиш, рақамлаштириш орқали коммунал хизматлар сифатини ошириш лозим бўлади.

Тўртинчидан, халқаро тажриба ва уни қўллаш имкониятларидан фойдаланиш ҳам зарур йўналишлардан биридир. Ривожланган мамлакатларда коммунал хизматлар соҳасини ислоҳ қилишда халқаро ташкилотлар тавсиялари муҳим ўрин тутади. Жумладан, World Bank ва OECD тадқиқотларида коммунал хизматларда давлат-хусусий шериклик, энергия самарадорлиги ва ижтимоий тарифлар самарали механизм сифатида қайд этилган. Тадқиқотлардан маълумки, ушбу тажрибаларни миллий шароитга мослаштирган ҳолда қўллаш коммунал хизматлар соҳасини ривожлантиришда ижобий натижа беради.

Бешинчидан, ичимлик суви ва канализация хизматлари ҳам коммунал хизматларнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Илмий тадқиқотларда энг кўп ўрганиладиган йўналишлардан бири сув таъминоти барқарорлиги, инфратузилманинг ҳолати, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш кабилардан иборат. Бугунги кунда, ичимлик суви таъминоти хизматларини такомиллаштириш йўлларини, сув хўжалиги хизматларида инвестиция сиёсатининг аҳамиятини, қишлоқ ҳудудларида сув таъминоти хизматлари ривожлантириш масалалари долзарб аҳамиятга эга.

Олтинчидан, иссиқлик, газ ва электр таъминоти хизматлари ҳам коммунал



хизматларнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Бу соҳада мамлакатимизда илмий ишлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишларга қуйидагиларни киритиш мумкин. Буларга энергия самарадорлиги, бунга эришиш учун энергия тежамкор технологиялардан фойдаланиш масалалари, таъминот тизимини модернизация қилиш кабиларни келтириш мумкин. Тадқиқотлар кўрсатдики, ушбу мавзу бўйича эътиборга молик масалалар таркибига электр таъминоти хизматларида энергия самарадорлигини ошириш, иссиқлик таъминоти тизимини ислоҳ қилишнинг иқтисодий асосларини тадқиқ қилиш, газ таъминоти хизматларини рақамлаштириш кабиларни киритиш мумкин.


Еттинчидан, коммунал хизматлар самарадорлигини оширишда мазкур соҳани бошқаришнинг ҳам аҳамияти катта. Бу йўналишда илмий ишларни қуйидаги йўналишларда амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Буларга тариф сиёсати, харажатлар ва самарадорлик таҳлили, хизмат сифати кўрсаткичлари кабиларни киритиш мумкин. Буларга эришиш учун коммунал хизматлар соҳасида тарифларни шакллантириш механизмини, коммунал хизматларни кўрсатувчи корхоналар фаолияти самарадорлигини баҳолаш усулларини, коммунал хизматларда KPI ва SMART кўрсаткичлардан фойдаланиш йўллари йўлга қўйишни мақсадга мувофиқ. Шу туфайли мазкур масалага ҳам аҳамият қаратилмоқда.

Саккизинчидан, камбағаллик, аҳоли фаровонлиги ва уларнинг коммунал хизматлар билан боғлиқлиги илмий жиҳатдан долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, коммунал хизматларнинг аҳоли турмуш даражасига таъсири, ижтимоий ҳимоя ва субсидияларнинг қўлланилиши кабилар ҳам ўз долзарблигини йўқотган эмас. Буларга эришиш учун коммунал хизматлар сифатининг аҳоли фаровонлигига таъсири, камбағалликни қисқартиришда коммунал хизматлар роли, ижтимоий тарифлар ва манзилли ёрдам тизимини жорий қилиш масалалари муҳим ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, коммунал хизматлар соҳасини ривожлантириш учун тариф сиёсатини такомиллаштириш, рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, инфратузилмани модернизация қилиш, халқаро тажрибани қўллаш арур тадбирлардан ҳисобланар экан. Ушбу чора-тадбирлар коммунал хизматлар сифатини ошириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва соҳанинг иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 августдаги «Маъмурий ислохотлар доирасида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-151-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 апрелдаги «Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат назоратини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-66-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 2024 йил 17 апрелдаги 214-сонли қарори.
4. Бектемиров Абдумалик. Иссиқлик таъминоти хизматларини такомиллаштиришнинг назарий-услубий ва амалий асослари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси ва *автореферати*, Самарқанд, 2021.



5. Пардаев М.Қ., ва бошқалар. Меҳнат бозори трансфармацияси. Ўқув қўлланма. 15-жилд. (Ҳаммуаллифлар; С.А.Бабаназарова, О.М.Пардаева) –Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2025. 328 бет.
6. Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Обид Мамаюнусович Пардаев, XXI-асрда шаклланган янги иқтисодиётлар таркибида креатив иқтисодиётнинг принциплари турларининг назарий масалалари. // Сервис илмий-амалий журнал. 2024 йил 4/1-сони. – 5-10 бетлар.